

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА УРБАНИЗАЦИЯ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

Норбоева Дилноза Дарвишалиевна

Жиззах политехника институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг алоҳида олинган худудида урбанизация ва демографик жараёнлар ривожланиши масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, аҳолининг ёш таркиби динамикаси, туғилиш ва табиий кўпайиш масалалари кўрилган.

Калит сўзлар: демография, аҳоли, туғилиш, ўлим, ёш таркиби, иш билан бандлик.

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассмотрены вопросы урбанизации и демографических процессов в отдельно взятом регионе Узбекистана. Также, вопросы динамики возрастной структуры, рождаемости и естественное увеличение население в регионе.

Ключевые слова: демография, населения, рождаемость, смертность, возрастная структура, занятость.

ABSTRACT

In this article are considered questions of urbanization and demographic processes in separately taken region of Uzbekistan. There also spoken about dynamics of age structure, birth rate and a natural increase of the population of region.

Keywords: demography, the population, birth rate, death rate, age structure, employment.

Жиззах вилояти ташкил этилган 1973 йилда аҳоли сони 398 минг кишидан иборат эди. Аҳолининг 76 минг киши ёки 19 % шаҳарда, 332 минг киши ёки 81 % қишлоқларда яшар эди. Орадан 20 йилдан ортиқроқ вақт ўтгандан сўнг вилоят аҳолиси икки бараврдан кўпроқ ўсиб 872,5 минг кишига етди. Ўтган даврда шаҳар аҳолиси қарийб тўрт борабар ортиб, 280,1 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сонининг ўсишида Гагарин, Дўстлик, Пахтакор, Ғаллаорол каби шаҳарларнинг ташкил этилиши муҳим роль ўйнади. Ўтган давр мабойнида

қишлоқ аҳолисининг ҳам улуши ортиб 592,4 минг кишига етди. Натижада вилоят аҳолисининг 32,1 % шаҳарларга ва 67,9 % қишлоқ аҳолисига тўғри келади.

Вилоят аҳолисининг умумий сонига нисбатан 2013 йилда Жиззах шаҳрида 162,9 минг киши, Жиззах туманида 188,7 минг киши, Ғаллаорол туманида 152,6 минг киши, Зомин туманида 158,5 минг киши яшайди.

Аҳоли зичлиги жиҳатидан 1 кв. км. майдонга Жиззах шаҳрида 147,0 киши, Пахтакор туманида 167,0 киши, Мирзачўл туманида 107,0 киши, Жиззах туманида 170,0 киши, Зафаробод туманида 141,0 киши, Дўстлик туманида 139,0 киши тўғри келади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Вилоят ҳудудидаги аҳолининг 2017 йилдаги умумий характеристикаси

№	Туманлар	Жами аҳоли (минг киши)	Шу жумладан				Аҳоли зичлиги, 1 кв. км. майдонга тўғри келади
			шаҳарда	%	қишлоқда	%	
1	Арнасой	44.2	15,1	36,0	26,8	64,0	84
2	Бахмал	147.6	38,2	28,1	97,8	71,9	71
3	Ғаллаорол	162.8	57,9	37,3	94,7	62,7	73
4	Дустлик	62.6	25,7	44,4	32,2	55,6	139
5	Ш. Рашидов	205.2	76,2	40,4	112,5	59,6	170
6	Зарбдор	87,3	38,9	65,1	20,9	34,9	56
7	Зафаробод	47,5	20,9	46,3	24,2	53,7	141
8	Зомин	148,3	71,6	45,2	86,9	54,8	54
9	Пахтакор	71,0	33,1	49,8	33,3	50,2	167
10	Мирзачул	48,7	24,6	54,8	20,3	45,2	107
11	Фориш	88,7	15,6	18,9	66,6	81,1	8
12	Янгиобод	27,0	5,3	20,7	20,3	79,3	26
13	Жиззах ш.	170,8	162,9	100,0	-	-	147
	Вилоят бўйича	1311,7	581,2	47,5	642,3	52,5	57

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Вилоятда аҳоли сони тез суръатлар билан кўпаймоқда. Бунинг асосий сабаблари тарихий, ижтимоий-иқтисодий, демографик омиллар билан боғлиқ бўлиб, йиллик ўсиш 25-27 минг кишига ўсмоқда. Шу жумладан шаҳар аҳолиси 12-15 минг кишига, қишлоқ аҳолиси 15-18 минг кишига кўпаймоқда. Натижада шаҳар аҳолиси 2009 йилдаги 519,2 минг кишидан 2013 йилда 581,2 минг кишига кўпайди, қишлоқ аҳолиси эса 565,7 минг кишидан 642,3 минг кишини ташкил этди (2-жадвал).

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, вилоят аҳолиси ўсишининг энг юқори суръатлари ҳозирги даврга тўғри келади. Ўртача йиллик ўсиш қарийиб 4-5 % га етмоқда. Агар 1995 йилда вилоятда 1 кв. км. га 43 киши тўғри келган

бўлса, 2013 йилга келиб 57 кишига етди. Вилоятда 2009 йилдан 2013 йилгача аҳоли сони 1223500 кишига ёки 10,9 % кўпайди. Вилоятда табиий ўсиш ҳар 1000 кишига 39 кишини ташкил қилади.

2-жадвал

Вилоят аҳолиси сонининг 2009-2013 йилларда ўсиш динамikasi
(минг киши ҳисобида)

Йиллар	Жами аҳоли (минг киши)	Шу жумладан (минг киши):			
		шаҳарда	%	қишлоқда	%
2009	1103,7	523,5	47,4	580,2	52,6
2010	1135,1	533,4	46,9	601,7	53,1
2011	1186,6	567,2	47,8	619,4	52,2
2012	1205,0	574,1	47,6	630,9	52,4
2013	1223,5	581,2	47,5	642,3	52,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Вилоятда урбанизация жараёни тез суръатларда рўй бермоқда, янги шаҳарлар ташкил қилиниб, шаҳар аҳолиси сони тўхтовсиз ўсиб, умумий аҳоли сонига нисбатан сўнги 20 йил ичида 32,1 % дан 47,5 % га етди. Шаҳарларнинг вилоят халқ хўжалиги ривожланишидаги ўрни ва роли тобора ортиб борапти.

Ўзбекистон республикасида шаҳарлар аҳолиси сонининг умумий аҳоли сонига салмоғи кейинги йилларда ортиб бораётган бўлса, ушбу тенденция Жиззах вилояти учун ҳам хос хусусият бўлиб, шаҳар аҳолиси тобора кўпайиб (47,5 %) бормоқда. Урбанизация жараёнининг тезлашишига асосий сабаб янги шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг тобора кўпайиб бориши ва уларда аҳоли сонининг тез суръатларда ўсаётганлигидир. Вилоят маркази Жиззах шаҳрида аҳоли сони кейинги 20 йилда 2 бараварга кўпайди. Айниқса, ушбу жараённи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори¹ тезлаштириб юборди. Урбанизация жараёнида Жиззах, Дўстлик, Пахтакор, Гагарин, Ғаллаорол шаҳарлари муҳим ўрин эгалламоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. //Халқ сўзи.2016 йил 22 ноябр .№ 14 0(5688).

Урбанизация жараёни билан биргаликда вилоятда демографик жараёнлар ҳам меҳнат бозорига ўз таъсирини ўтказмоқда. Янги демографик вазият Ўзбекистондаги каби Жиззах вилоятида ҳам ҳозирги давр ёш таркиби динамикасида туғилишнинг камайиши томон силжимоқда. Аҳолининг ёш таркибида 15 ёшгача бўлган болалар улушининг кетма-кет пасайиб бориши кузатилмоқда (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Жиззах вилояти аҳолисининг 1997-2013 йиллардаги ёш таркиби динамикаси

Аҳоли ёши, йил	1997 й.		2007 й.		2012 й.		2017 й.	
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
0-15	381,3	43,2	415,5	42,6	414,2	38,6	408,1	33,4
16-19	72,4	8,2	82,9	8,5	93,4	8,7	111,7	9,1
20-24	78,6	8,9	89,7	9,2	99,8	9,3	129,9	10,6
25-29	76,8	8,7	74,1	7,6	90,1	8,4	117,0	9,6
30-34	64,4	7,3	71,2	7,3	77,3	7,2	88,7	7,2
35-39	45,9	5,2	62,4	6,4	71,9	6,7	82,6	6,8
40-49	53,8	6,1	77,1	7,9	105,2	9,8	136,1	11,1
50-59	52,1	5,9	44,9	4,6	51,5	4,8	75,3	6,2
60-69	36,2	4,1	37,1	3,8	39,7	3,7	38,9	3,2
70 дан юқори	21,2	2,4	20,5	2,1	30,1	2,8	35,2	2,9
Жами	882,6	100,0	975,4	100,0	1073,1	100,0	1223,5	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жиззах вилояти аҳолиси ёш таркибида 15 ёшгача бўлган болаларнинг нисбий улуши 43,2 % дан 33,4 % гача қисқарган, яъни 9,8 % камайган. Бироқ, кейинги йилларда 16-19 ёшгача (8,2 % дан 9,1 % гача) ва 20-24 ёшгача (8,9 % дан 10,6 % гача) бўлганлар сони бироз ортган. Бу ёш категориясидагилар асосан собиқ совет иттифоқининг тугаши арафисида ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида, яъни республикада туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилганлардир.

Ҳозирги даврда Жиззах вилояти аҳолисининг 30-34 ёшлилар жинсий таркибида эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқни ташкил этса, қолган юқори ёш гуруҳларида эркакларга нисбатан аёллар кўпроқни ташкил этади. Бундай хусусият нафақат қишлоқ худудларида, балки вилоятнинг шаҳарларига ҳам хосдир (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Жиззах вилояти аҳолисининг 2013 йилдаги жинсий таркиби

Аҳоли ёши, йил	Барча аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
0-15	31,9	34,3	28,3	30,3	35,2	35,9
16-19	9,7	9,8	8,2	8,4	9,7	9,9
20-24	11,2	11,4	10,1	10,4	10,7	10,7
25-29	8,7	8,9	8,5	8,9	8,7	8,7
30-34	7,6	7,6	7,9	7,7	7,2	7,6
35-39	6,9	6,7	7,2	7,7	6,5	5,9
40-49	11,3	10,6	12,5	12,2	11,4	10,8
50-59	6,6	5,8	8,8	7,9	5,7	5,6
60-69	3,2	2,8	4,3	3,7	2,6	2,6
70 дан юқори	2,9	2,1	4,2	2,8	2,8	2,3
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жиззах вилояти аҳолисининг ҳозирги давр жинсий таркибида 90- йиллар бошида туғилишнинг кескин камайишига қарамасдан ёшлар аксарият кўпчиликини ташкил этади. Вилоятда 30 ёшгача бўлганлар улуши 62,4 % ни, шу жумладан, 16 ёшгача бўлган болалар 33,6 % ни, 16-29 ёшгача бўлган ёшлар 28,8 % ташкил этди.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг абсолют ўсиш суръатлари катта меҳнат потенциалини шакллантиради. Меҳнат ресурслари ҳозирги даврда жами аҳолининг 58,2 % дан ошиғини ташкил этади. Улардан фақат озгина қисмини иқтисодиётда иш билан банд бўлган нафақа ёшидагилар ва ўсмирлар ташкил этади. Ҳозирги даврдаги меҳнат ресурслари сони динамикаси ва таркиби 5-жадвалда келтирилган.

Таҳлил этилаётган даврда (1997-2013 йй.) вилоятда меҳнат ресурслари сони 246,5 минг кишига ортган. Кейинги йилларда (2010-2013 йй.) меҳнат ресурслари сони 89,2 минг кишига, ёки 13,9 % ортган. Шундай қилиб, вилоятда меҳнат ресурслари сонининг йиллик абсолют ўсиши бугунги даврда ўртача 22,3 минг кишига, ёки ўртача йиллик ўсиш жадаллиги 3,5 % ташкил этмоқда.

5-жадвал

Жиззах вилояти меҳнат ресурсларининг 1997-2013 йиллардаги тузилмаси

Кўрсаткичлар	1997 й.		2014 й.		2015 й.		2016й.		2017 й.	
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
Жами меҳнат ресурслари, минг киши	452,1	100,0	643,4	100,0	665,6	100,0	698,6	100,0	732,6	100,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, минг киши	443,9	98,2	635,6	98,8	656,9	98,7	688,8	98,6	722,3	98,6
Иқтисодиётда ижтимоий зарур меҳнат билан банд бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар, минг киши	5,9	1,3	7,1	1,1	6,6	1,0	7,7	1,1	8,1	1,1
Иқтисодиётда ижтимоий зарур меҳнат билан банд бўлган ўсмирлар ва бошқалар, минг киши	2,3	0,5	0,6	0,1	1,9	0,3	2,1	0,3	2,2	0,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси Жиззах вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Меҳнат ресурсларининг бундай юқори параметрларда ўсиши яқин келажакда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда, бу эса истиқболда аҳолини ижтимоий зарур меҳнат билан банд этиш соҳасида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. –Т.: Фан ва технология. 2007.
2. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан, Т.:2000.-226 с.
3. Умурзаков Б.Х. Экономика труда. М-Т.: ГОУ ВПО «РЭУ имени Г.В.Плеханова» 2010.- 650 с.
4. Умурзаков Б.Х. Экономика труда. Т.: Издательство«ADIB»,2010. – 135 с.
5. Имамов Р. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ишсизликни камайтириш йўллари. || Ж. “Иқтисодий ва таълим”, № 3. 2009.-24-28 б.
6. Имамов Р. Аҳолини иш билан таъминлашнинг янги шакллари баҳолаш. || Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, № 8. 2008.- 31 б.